17.2 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 230 (6. 421) 1987 йил 10 октябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

1917 1987

Ўзаро тажриба алмашиб

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-асос тўқув цехининг украин фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Марчук номидаги бригадаси коллективи Львов шаҳридаги «Луч» трикотаж бирлашмасининг ўзбек фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Охунжонов номидаги бригадаси билан кўпдан буён мусобақалашиб келмоқда. Яқинда шаҳарларимиз львовлик дўстлари ҳузурида бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтишган эди. Дўстлар тажрибаси ўз натижаларини бермоқда. Тўққиз ойлик план муддатидан бир неча кун аввал бажариб қўйилди.

Бригаданн кўлмнинг кишилик корхонанинг фахри десак муболаға бўлмайди. Жадаллаштириш ва қайта қуриш вазифаларн коллективини яна ҳам яхшироқ ишлашга, имкониятлардан реал даражада фойдаланишга ўргатмоқда. Бу фақат маҳсулот сифатини ошириб қолмай, иш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда ҳам ёрдам беради. Чунки бу мусобақа шартларидан бири ҳисобланади.

Коллективнинг М. Қодирова, Р. Маткаримова, Д. Маҳамедова сингари илғорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган сўз бериб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Д. ОБЛАЕВ.

План бажарилди!

Бугун

«Главташкентстрой» 8-трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг Виктор Артемкин етакчилик қилаётган 30 кишилик комплекс бригадаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятини бажарди. Коллектив 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, ғалаба рапортига имзо чекди.

Бу илғор бригада Лаъл Баҳодир Шастри автостанциясн ёнида бунёд этилаётган врачлар малакасини ошириш институтининг 10 қаватли, 500 ўринли мажлислар залн бинопарини бунёд этишмоқда. Институт ҳамма қулайликка эга бўлади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналарн, ошхона, дам олиш хоналарн бўлади.

Ишчилар учун!

Бугун

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари учун 9 қаватли 240 ўринли замонавий ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Бу ётоқхона Ивановолик тўқимачилар массивида жойлашган. Бино замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, бир секцияда икки ва уч кишилик хоналар мавжуд. Ҳар бир секцияда душ, сантузел, ҳар бир қаватда ошхона бор. Ошхонага электр плиталар ўрнатилган, 100 минг сўмлик жиҳозлар сотиб олинди.

Тўқимачиларга бу совғани «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 50-қурилиш бошқармасининг прораб Ш. Ҳошимов бошчилигидаги бинокорлар туҳфа этишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 8 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига Чақириқларини маъқуллади. Чақириқлар тексти матбуотда эълон қилинади.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Мурманск областига қилган сафари тўғрисидаги ахборотини тинглади ва у қилган ишларини маъқуллади. Учрашувлар ва суҳбатлар вақтида меҳнаткашлар, партия ва ҳўжалик активлари ўртага қўйган масалаларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда тегишли таклифларни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси муҳокамасига киритиш тўғрисида марказий иқтисодий идораларга, министрликларга ва ВЦСПСга топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди. План лойиҳасини муҳокама қилишда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари қатнашдилар. Муҳокама пайтида план ва бюджет лойиҳалари партия XXVII съездининг совет жамияти тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлига, Марказий Комитет 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш хусусидаги йўл-йўриқларига умуман мувофиқ эканлиги қайд этилди.

План лойиҳаси ўн иккинчи беш йиллик топшириқларни асосида тузилган ва иқтисодий ўсишнинг сифатини янада яхшилашга, ишлаб чиқариш потенциалини жадал оширишга ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини кўтаришга, машинасозликни илдам ривожлантиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш ва тармоқ пропорциялари структурасини такомиллаштиришга қаратилган. Моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли кучайтирилади, бунда ресурсларни тежаш аслида халқ хўжалигининг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиришнинг бирдан-бир манбаи бўлиб қолаётганлигига асосланиб иш тутилади. План лойиҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг фан-техника тараққиёти Комплекс программасини рўёбга чиқаришга муҳим ўрин берилган.

Лойиҳа кучли социал сиёсатни амалга ошириш мақсадини кўзлайди ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан беш йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан юқорироқ топшириқларни, уй-жой қурилишини кенгайтириш, социал-маданий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун капитал маблағларни, шунингдек, халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан марказлаштирилган тарзда тадбирлар ўтказиш учун бюджет маблағларини кўпайтиришни назарда тутади.

1988 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш, молиявий ресурсларни социал-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим соҳаларига жамлаш борасидаги актуал талабларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Иқтисодий тежашни кучайтиришга алоҳида роль ажратилган.

Сиёсий бюро 1988 йилги план ва бюджет лойиҳаларини асосан маъқуллади ва бу лойиҳаларни СССР Олий Советининг бўлгуси сессияси муҳокамасига тақдим этишни мақсадга мувофиқ, деб топди.

1988 йилги план лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида унинг муваффақиятли бажарилиши бу йилги иш натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиши уқтириб ўтилди. Министрликлар ва идоралар олдига бир қанча тармоқларда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш ҳамда IV квартал ва умуман 1987 йил топшириқларини сўзсиз бажаришни таъминлаш вазифаси қўйилди. Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларига план топшириқларини ва меҳнат коллективлари қабул қилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, халқ хўжалигини қишга тайёрлаш соҳасидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кенг қулоч ёйдириш топширилди.


Сиёсий бюро мажлисида халқ хўжалигини узлуксиз ривожлантиришни, унинг ҳамма тармоқлари пишиқпухта ишлашини кучайтириш, халқ хўжалигини бошқаришни тубдан ислоҳ қилишни амалда қатъият билан рўёбга чиқариш учун 1988 йилги планнинг алоҳида аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Келгуси йил бошидан давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун кучга киритилади, бутун саноат маҳсулотининг 60 процентини ишлаб чиқарувчи корхона ва бирлашмалар хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига ўтказилади. Шу муносабат билан министрликлар ва идораларни, бирлашмалар, корхоналарни, меҳнат коллективларини янги шароитларда ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Ҳар бир корхона ва бирлашма ўзининг ишлаб чиқариш программасини белгилаб олиши ҳамда халқ хўжалиги манфаатларига ва белгиланган иқтисодий нормативларга, мавжуд имкониятлар ва ресурслардан тўла-тўкис фойдаланишга асосланиб, маҳсулот истеъмолчилари билан шартнома тузиши, иқтисодий иш савиясини тубдан ошириш чораларини кўриши муҳимдир.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Республика бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1987 йил 17 июль қарори бажарилишини ташкил этишга оид тадбирлар муҳокама қилиниб маъқулланди. Иттифоқдош республикалар, ўлкалар ва областлар халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаларини тузишга оид принципиал қоидалар белгиланди. Шу билан бирга бошқарув бўғинларидаги сифат ўзгаришларини, бошқарув аппаратини қисқартириш ва арзонлаштириш билан айни бир вақтда унинг иш самарадорлигини оширишни таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Бошқарувнинг ташкилий структурасини иттифоқдош республикаларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ошиб бораётган роли ва ҳўжалик юритишнинг янги иқтисодий методлари билан тўла мувофиқ ҳолга келтириб олиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ўртоқ В. И. Долгихнинг Монголия Халқ Республикасига қилган сафари тўғрисидаги ахборотини тингилади ҳамда Совет — Монголия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг конкрет масалаларини кўриб чиқишни СССР тегишли министрликлари ва идораларининг раҳбарларига топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ички ва ташқи сиёсатнинг бошқа баъзи масалаларини муҳокама қилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этди.

Замондошимиз



Ёшлик шижоати билан

Халқимизда «Ақл ёшда эмас, бошда» деган мақол бор. Ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлиб юрган ташаббускор ёшларни учратганда бенхтиёр халқимизнинг ана шу мақоли эсимизга тушади. Рихсихўжа Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехининг оддий, илғор ишчиларидан биридир. У энг яхши ремонтчи-слесарь ҳисобланади. Мармар ва тошларни кесишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта маҳорат, меҳнатсеварлик керак. Рихсихўжа фрезерлик, прессловчилик, токарлик касбларини пухта эгаллаб олган.

Р. Маъруфов ёш бўлса ҳам Тошкент шаҳар Советининг депутатидир. У ўзмга билдирилган бу катта ишончни оқлашга интилмоқда. Ҳамкасбларига меҳрибонлиги, хушмуомалалиги билан ажралиб турадн. У корхона касаба союз комитетининг аъзоси, корхона комсомолларининг ташкилотчисидир.

КПСС аъзоси Рихсихўжа Маъруфов эришилган муваффақиятлари билан асло кифояланмайдн. Доимо олға интилади. Бу йил Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг механика факультетини битирдн. Эндиги мақсади институтда олган билимларини ўзи ишлаётган корхонанинг механика цехида амалга оширнш, ўз бнганаларини ёшларга ўргатнш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига меҳнат ютуқларини бойитишдир. Ҳозир коммунистик меҳнат зарбдорн ўзига юклатилган топшириқларни доимо оширнб, аъло сифатли адо этяпти. Унинг қўлидан чиқаётган маҳсулотлар корхона назоратчиларига маъқул бўлмоқда. Унинг нинятн ҳам шу — маҳсулотнинг доимо юқорн сифатли бўлишига эришишдир.

СУРАТДА: Р. Маъруфов.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида ўнгирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда СССР Олий Совети Президиумининг «Социалистик мулкни сақлашни таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг вазифаларн ҳақидаги; аҳолининг хатлари, шикоятлари ва аризалари билан ишлашнинг ҳамда граждаплар қабулини ташкил этишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессияда депутатлар сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалани ҳам муҳокама қилдилар.

⊙ Сессия иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетада ёритилади.



«Тошкент оқшоми» мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар берадилар.

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

Хирмон юксалмоқда

Жиззах области, Пахтакор райони (телефон орқали, 9 октябрь). Областнинг барча районлари пахтакор хўжаликларида катта ҳосил учун бораётган қизғин курашда пахтакорлар билан бирга ҳашарчилар жасорат кўрсатмоқдалар. Далаларда етиштирилган мўл «оқ олтин» дурдонасини нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун чинакам кураш бормоқда. Пахтакор районининг «Самарқанд» ва «Пахтакор» совхозлари далаларида Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан борган 1650 киши меҳнат қилаяпти. Ҳар бир ҳашарчи кунига 30—60 килограммдан пахта теришга эришмоқда.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза райони саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективлари пахтакорларнинг чинакам мададкори бўлмоқдалар. Пахтакор районининг Ульянов, Кичанов, Акмал Икромов, «СоюзНИХИ» хўжаликларида Ҳамза районидан борган 5221 ҳашарчи қатнашмоқда. Айниқса «Подъёмник», «Ташсельмаш», ёғ-мой комбинати, 4-дон маҳсулотлари корхоналари, 4-давлат лойиҳа институти ҳашарчилари теримда жонбозлик кўрсатишяпти. Уларнинг ҳиммати билан ҳар куни хирмонга 150 тонна атрофида пахта тўкилмоқда.

Ҳамза районидан борган Тошкент Давлат медицина институтининг 5300 дан ортиқ студенти ҳам умумхалқ ҳашарида шижоат кўрсатмоқда. Студентларнинг ҳар бири бир кунда 60 килограммдан оширнб пахта теришга эришяпти. Олий ўқув юртининг бир кунда хирмонга тўкаётган дурдонаси 300 тоннадан ошмоқда.

Шундай қилиб, Ҳамза районининг 10 минг 500 дан ортиқ ҳашарчиси умумхалқ курашида қатнашиб, «оқ олтин» хирмонини юксалтирмоқда.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 9 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун—мавсум бошидан буён.

Хоразм	1,92	54,03	Тошкент	0,83	23,05
Сурхондарё	3,65	40,29	Наманган	0,94	22,56
Бухоро	3,00	38,18	Жиззах	1,58	21,81
ҚҚАССР	2,45	37,98	Сирдарё	0,94	21,26
Фарғона	0,47	30,42	Самарқанд	2,04	20,64
Қашқадарё	1,85	28,83	Навоий	1,88	19,71
Андижон	0,32	24,03	Республика бўйича:	1,67	29,82









Жасорат майдони

«Оқ олтин» ҳосили учун бошланган катта курашда дала меҳнаткашлари билан бир сафда Тошкент шаҳрининг меҳнат вакиллари ва студентлар коллективлари ҳам ҳиммат кўрсатмоқдалар. Бизнинг репортажимиз адреси Ильич райони, Ғафур Ғулом номидаги совхознинг 2-«А» бўлими дала шийпони.

Эндигина бўёқдан чиқарилган бир қаватли икки бино поёнсиз пахта денгизидаги кемаларга ўхшайди. Бу дала шийпонида ошхона ҳам жойлашган. Дошқозонларда шўрва қайнамоқда. Студентлардан тайинланган дастёр ошпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тушликкача озгина вақт қолган. Бироқ таомни маромига етказиб тайёрлаш керак. Албатта, пазандалар ўртоқларини лаззатли ва тўйимли овқатлантириш ҳаракатидалар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари бу ерда иш бошлашганига эндигина уч кун бўлди.

—Бизни совхозда самимий кутиб олишди,— дейди сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш факультети декани У. Х. Неъматжонов. — Хўжалик маъмурияти аҳволимиздан хабардор бўлиб турибди, яқиндан ёрдам беряпти. Ишонамизки, эрта-индин қулай столларга, умивальникларга эга бўламиз. Телевизор ҳам ўрнатиладн, ётоқхоналарда печкалар пайдо бўлади. Ишончимиз комил.

Бу бўлимнинг пахтазори 240 гектардан иборат. Етиштирилган ҳосил чакки эмас. Деҳқонлар гектар бошига камида 25 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллашмоқда. Об-ҳаво инжиқ келган кунларда механизаторлар ҳар бир дақиқадан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Пахта терш машиналари ўтган далаларда студентлар пайдо бўлишмоқда. Ҳашарчилар дастлабки куннинг ўзидаёқ ўз олдиларига масъулиятли вазифа қўйишди: ҳар бир теримчи бир кунда камида 70 килограмм пахта териб бериши лозим. Бу пландагидан 10 килограмм ортиқ.

Пахтазорда икки студентлар бригадаси ишлаб турибди. Улардан бири ўз-ўзини бошқариш услуби бўйича меҳнат қилмоқда. Унга факультет комсомол ташкилотининг секретари, интернационалист-жангчи Фарҳод Алимов бошчилик қилмоқда. Факультет декани У. Х. Неъматжоновнинг таъкидлашича, бу бригаданинг иши салмоқли бўляпти. Сентябрь ойида факультетда студентлар деканати сайланди. Болалар студентларнинг ётоқхонага жойлашиши учун ўзлари йўлланма беришяпти, ўқишга улгуролмаётган студентлар билан суҳбатлашишмоқда, зачёт ҳамда имтиҳонларни қайта топшириш учун йўлланма беришяпти. Ана шундай ишчан муҳит студентлар пахта теримида ҳам ташкил этилди. Бундай бригаданинг ҳақиқий илғори бўлиш осон эмас. Бунинг учун ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам илғорлик кўрсатиш керак. Социалистик мусобақанинг бориши тўғрисидаги кўрсаткичлар ана шуни кўрсатмоқда.

Пахтазорда бошланган катта ҳашарнинг дастлабки иш куни якунларига кўра, иккинчи курс студенти, жамоатчилик деканининг ўринбосари У. Сулаймонов 88 килограмм, комсомол бюроси аъзоси Т. Худойбердиев 82, группа бошлиғи О. Розиқов 77 килограмм пахта терishди. Тўртинчи курс студенти М. Тоғаев энг юқори натижага эришди. Унинг ҳисобига 94 килограмм ёзилди.

Л. ДЕРГУНОВА.

СУРАТЛАРДА: Сирдарё областининг Ильич районидаги Ғафур Ғулом номидаги совхоз пахтакорларига ёрдам бераётган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари, студентлар терган дастлабки «оқ олтин» дурдоналари.

Т. Каримов фотолари.



Суратда: В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйилмоқда. А. КОШКИН фотоси (ТАСС).

«МЕҲРИГИЁ — ЎЗБЕКИСТОН...»

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР КУНЛАРИ

МОСКВА, 9 октябрь. (ЎзТАГ махсус мухбирлари С. Гребенюк, Л. Левин, С. Фенютин). Республикамизнинг вакилари — мамлакатнинг вакиллари — мамлакатнинг бош виставкасидаги Ўзбекистон ССР кунлари қатнашчилари бугун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида москваликларни ва пойтахт меҳмонларини карнай-сурнай садолари билан кутиб олдилар. «Улуғ Октябрь байроғи остида 70 йил» экспозицияси кўрсатилаётган энг катта павильонда минглаб кишилар бўлди. Республика етмиш йил мобайнида босиб ўтган бунёдкорлик йўлини бу ерда кўрсатилаётган 500 тадан кўп экспонат яққол намойиш этмоқда. Экспозицияни кириш бўлими очади. Унда совет халқларининг қардошлик оиласида социал, иқтисодий ва маданий тараққиёт чўққиларига чиққан Совет Ўзбекистонининг бутун тарихи ишонарли, яққол қилиб кўрсатилган.

Бош дарвозадан павильон сари одамлар оқими тинмаётир. Ўзбекистон кунлари пойтахтда зўр қизиқишга сазовор бўлди.

Экспонатлар ёнидаёқ дастлабки интервьюни олдик.

— Виставка «оқ олтин» ўлкасига мароқли саёҳат қилишимизга ёрдам берди, дейди москвалик инженер Майя Ивановна Самбунова. —Мутахассис сифатида қуёш электр станциясининг мақети билан танишиш менга қизиқарли эди. Серқуёш республикангизда бундай станциялар жуда катта самара берса керак.

Дарҳақиқат республикамизнинг экспозицияси томошабинлар бугунги кунда Ўзбекистон қандай яшаётганлигини, бу ерда илм-фан, техника, маориф ва ижтимоий-маданий ҳаётни ривожланиб бораётганлигини етарлича чуқур билиб олишларига имкон беради.

Ўн бешта бўлимнинг ҳар бирини баён қилиб чиқиш қийин. Томошабинларнинг кўпроқ эътиборини жалб этаётган экспонатлар хусусидагина тўхталамиз. «Саноат», «Илғор технологиялар ва металлар» бўлимларида гидротехника иншоотларини назорат этувчи ва бошқарувчи оригинал телемеханик комплекси, ИЛ-76 самолётининг, газ ёқиб ишлайдиган автобусининг макетларини, пахта комплекси машиналари, гелиоустановкаларни, порошокли металлургия ва плазма югуртириш ёрдамида тайёрланган деталларни кўриш мумкин.

Томошабинлар ўзларини қизиқтирган ҳар қандай саволга шу ерда жавоб ола биладилар. Диаграммалар, қиёсий характеристика жадваллари, видеофильмлар республикадаги бир ярим мингтадан кўп катта саноат корхонасининг ҳар бирида нималар ишлаб чиқарилаётганини, меҳнат коллективлари ҳўжалик механизмини қайта қуришга қандай ҳисса қўшаётганликларини билишда ёрдам беради.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг саноат потенциали — ўнлаб тармоқлар, 4 мингтадан кўп механизациялашган поток линиялар ва автомат линиялардан, 160 та автоматлаштирилган бошқариш системаларидан иборат. Ўн иккинчи бош йилликнинг қолган йилларида республиканинг завод ва фабрикаларида яна 400 та серунум саноат роботи, рақамли программа билан бошқариладиган мингтача станок жорий этилади. Бу эса жаҳондаги энг яхши намуналар даражасига мувофиқ келадиган сифат жиҳатидан янги маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беради.

— Биз виставкага шарқ қа хос муҳитни сезиш умиди билан келдик, — дейишди горькийлик студентлар О. Бурмистров ва О. Кузнецов, — кутганимиздан зиёд нарсаларни кўрдик. Экспозицияда ранг-баранг кўркам газламаларингиз кўплиги жуда яхши. Кўсаклари очилган пахта тупларини келтиришингиз учун раҳмат. Пахта етиштирувчи одамларнинг иши нақадар қийинлиги, шу кичик енгил чаноқ пахталаридан миллионлаб тоннали хирмон вужудга келтириш учун қанча куч сарфлаш кераклиги энди бизга аён.

Республика Давлат агросаноат комитетининг маҳсулотлари экспозициядан каттагина ўрин олган. Бу ерда Ўзбекистон диёрининг ҳамма бойликлари: қип-қизил помидорлар, хушбўй олмалар, катта-катта анорлар, шириншакар узумлар, асалдек қовун-тарвузлар ва бошқа кўпгина нарсалар қўйилган. Уларнинг ёнида консерва заводларининг, кондитер фабрикаларининг, озиқ-овқат саноати бошқа корхоналарининг маҳсулотлари қўйилган.

— Ўзбекистонда тайёрланадиган баргакка ўхшаган баргакни умримда кўрган эмасман, — дейди москвалик А. Мариева. — Жуда, мазали, соғлиқ учун ниҳоятда нафлидир.

Ўзбекистон экспозицияси очилган улкан виставкалар павильонида барча иттифоқдош республикаларни кўрасиз. Дўстларнинг тажрибалари билан танишиб чиқиш, улар халқни сифатли, замонавий моллар билан таъминлашдек муҳим вазифани амалга ошириш борасида қандай муваффақиятларга эришганликларини кўриш қизиқарлидир.

Одамлар республика корхоналарида тайёрлаб чиқарилган, кунда керак бўладиган молларга қизиқиб қарамоқдалар.

— Қўқон пойабзал фабрикасининг кроссовкалари билан самарқандлик тикувчиларнинг спорт куртасини ўғлимга бажонидил харид этган бўлур эдим, — дейди батумилик А. Гапаридзе.

Москвалик В. Андреев бўлса: «Бунчалар чиройли чой сервизларини қаердан сотиб олса бўлади?», — деб сўрайди.

Болгария Халқ Республикасидан келган сайёҳлар Ўзбек миллий музика асбобларига қизиқиб қолдилар. Улар халқ усталарининг қўлидан чиққан доира ва рубобларни маҳлиё бўлиб томоша қилдилар.

...Кечқурун, виставкада одамлар сийраклашганида павильонга шовқин-сурон билан болалар ва қизлар кириб келишди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоронинг рангли суратларига узоқ тикилишарди. Ўзбекистон телевидениесининг видеофильмларини бошидан охиригача кўришди. Шундан сўнг бир-бирлари билан ширвалашиб, таассуротлар дафтари қўйилган стол ёнига бир дадил қиз келди-да, «Меҳригиё — Ўзбекистон», деб ёзиб қўйди. Москва область Климовск шаҳридаги 5-мактабнинг 7-синф ўқувчилари виставкага ана шундай баҳо бердилар.

ИШЧАНЛИК, ХОТИРЖАМЛИК ВАЗИЯТИДА

Республика партия, совет органларига, оммавий ахборот воситалари редакцияларига қрим миллати гражданлари аризаларида ўртага қўйилаётган проблемалар комплекси қандай кўриб чиқилаётгани ва қандай ҳал этилаётгани ҳақида хатлар, телеграммалар, оғзаки сўровлар тушиб турибди. Шу муносабат билан биз республика Ишчи комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари О. К. Адаманов билан учрашиб, ана шу жамоат ташкилотининг фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Осман Куртсеитович, Ишчи комиссиясининг вазифалари нималардан иборат, унинг фаолиятидаги асосий нарса нима?

— Аввало шуни таъкидлаб ўтаманки, бундай комиссия тузилганлигининг ўзи Ўзбекистон ССР партия ва совет органларининг ўртага қўйилган масалаларни ҳал этишга жиддийлик билан ёндашганлигидан далолат беради. Ишчи комиссияси составига қрим татар миллатининг нуфузли вакиллари —сайлаб қўйилган партия, совет, касаба союз органларининг аъзолари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари кирган.

Комиссия аъзолари қрим татарлар проблемалари ҳусусида тушаётган таклифларни ўрганиш ва умумлаштиришда, гражданлар ўртага қўяётган масалаларнинг эътибор билан кўриб чиқилишида давлат комиссиясига амалий ёрдам беришни, юз берган вазиятнинг моҳияти ва мураккаблигини далиллар билан тушунтиришни ўзларининг асосий вазифалари, деб ҳисоблайдилар.

— Республика Ишчи комиссиясига хатлар ва оғзаки мурожаатлар кўп тушаяптими ва комиссия аъзолари ўз ишларини қандай қурмоқдалар?

— Комиссия ташкил этилганидан буён икки ой вақт ўтди. Шу вақт ичида комиссия номига беш мингтадан кўпроқ хат, телеграмма, оғзаки сўров тушди, бир ярим мингдан ортиқ киши қабул қилинди. Комиссия аъзолари мажлисга мунтазам тўпланадилар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида гражданларни қабул қиладилар. Меҳнаткашларнинг илтимосига биноан ва ўз ташаббуслари билан областларга борадилар, меҳнат коллективлари ва истиқомат жойларида ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказадилар. 80 га яқин ана шундай учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Уларда 12 мингдан кўпроқ киши қатнашди.

Бундай комиссиялар 8 та областда —қрим-татарлар зич яшайдиган жойларда тузилганлиги факти ҳам ана шундай ишлар зарурлигини ва самарадорлигини кўрсатиб турибди. Область комиссиялари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Улар бир ойдан камроқ вақт ичида салкам 5500 хат ва оғзаки мурожаатларни ўргандилар, 5 мингга яқин кишини қабул қилдилар, 85 та учрашув ўтказдилар, бу учрашувларда 11 минг нафардан кўпроқ киши қатнашди.

— Хатлар, учрашув ва суҳбатларнинг характери қандай, асосан қандай масалалар ўртага қўйилмоқда?

— Масалалар оддий эмас албатта, мураккаб, турли фикрлар билдирилмоқда уларга бир хил баҳо бериш қийин. Лекин ўрганилган хатларнинг, учрашувлар, суҳбатларнинг анча кўп қисми умумлаштириладиган бўлса, шуни қатъий айтиш мумкинки, қрим-татар миллати гражданларининг кўпчилиги СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико бошчилигида давлат комиссияси тузилганлиги учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар. Улар ўртага қўйилаётган масалаларнинг бутун комплексини кўриб чиқиш учун вақт зарурлигини ва бу масалаларни реал вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, мамлакатимиздаги барча халқлар манфаатларини кўзлаб ҳал этиш лозимлигини яхши англамоқдалар.

Шуни айтиш керакки, учрашувларимиз ва суҳбатларимиз кўпинча кескин баҳслар тусида ўтмоқда. Давр тақозо этаётганидек, биз тўғридан-тўғри очиқчасига гаплашяпмиз, баҳслашяпмиз, турли экстремистик кайфиятларга зарба беряпмиз.

Хат ва мурожаатларнинг кўпида, учрашувлар ва суҳбатлар чоғида хотиржамлик, ишчанлик вазияти, жамиятга қарши ҳеч қандай ҳаттиҳаракатларга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланмоқда. Бироқ биз ҳам ифвогарлик ҳаракатларига, эҳтиросларни авж олдиришга, турли талабларни ультиматум тарзида қўйишга уринишларга дуч келяпмиз. Баъзан ана шундай шахслар ифвогарлик ҳаракатлари, сохта ахборот тарқатиш билан чекланиб қолмай, ёлғон миш-мишларни тарқатмоқдалар, ўз уйдирмаларини бизнинг комиссиямиз номидан тўқиб чиқармоқдалар.

Бу хусусда нима дейиш мумкин? Фақат шуни айтамизки, бундай хатти-ҳаракатлар ишга, масалаларни амалий ҳал этишга тўсқинлик қилади. Демак биз ўз фаолиятимизни кучайтиришимиз, одамлар билан тезтез учрашиб туришимиз, кўпроқ ташаббускорлик ва жанговарлик кўрсатишимиз лозим.

— Кўтарилаётган масалалар қандай умумлаштирилаяпти ва қандай кўриб чиқиляпти, бу ҳақда юқори органларга, шу жумладан давлат комиссиясига ахборот бериляптими?

— Хатларда ва суҳбатларда киритилаётган таклифлар, масалалар, фикрлар умумлаштирилмоқда ва юқори партия, совет органларига, давлат комиссиясига маълум қилиняпти. Матбуотда хабар берилганидек, давлат комиссиясининг Ишчи группаси аъзолари республикамизга бир неча бор келишди, биз улар билан доимий алоқа қилиб турибмиз. Республика комиссиясининг бир қанча аъзолари, шу жумладан мен ҳам СССР Олий Совети Президиумида 22 август куни бўлиб ўтган Ишчи группаси мажлисида қатнашдик. 18 сентябрь куни республика Ишчи комиссиясининг навбатдаги мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, давлат комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қатнашди. У республика Ишчи комиссиясига тушган таклифлар ва саволлар билан синчиклаб танишиб чиқди. Биз ўз ишимиз ҳақида унга батафсил ахборот бердик. Давлат комиссияси уларнинг ҳаммасини сўзсиз равишда пухта ўрганмоқда ва ҳисобга олмоқда.

Қрим татар миллатига оид гражданлар кўтариб чиқаётган маҳаллий аҳамиятга молик масалаларга келганда эса, улар тегишли республика органларига тезда ширилмоқда ва менга лум бўлишича, бу масалалар жойларда зўр эътибор билан кўриб чиқилмоқда. Жумладан, ғап қрим-татар тилидаги нашрларнинг ҳажмини, тиражини ва даврилигини ошириш, ўқув программалари ва дарсликларни такомиллаштириш, маданият ва санъатни янада ривожлантириш тўғрисида бормоқда. Ана шу масалаларнинг барчаси юзасидан Ўзбекистон ССР Нашриёт-полиграфия ва китоб савдаси ишлари давлат комитети, Маориф ва Маданият министрликлари томонидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар амалга оширилмоқда. Масалан, яқинда Ўзбекистонда Ўрта ва ССРнинг Қрим ва Ҳасон областларига, Краснодар ўлкасига қрим татар тилидаги китобларнинг катта туркуми жўнатилди, «Ҳайтарма» ансамбли у ерга гастролга жўнаб кетди, ансамбл бунга қадар Иркутск области ва Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида қатнашди.

Гражданларнинг шикоят мурожаатлари белгиланган тартибда диққат билан кўриб чиқилмоқда ва ҳал этилмоқда.

Сўзимнинг охирида шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки: қрим татар миллатига мансуб гражданлар ўртага қўяётган масалаларни чуқур ўрганиш учун мумкин бўлган ҳамма ишлар қилинмоқда. Ғаламис-ифвогарларнинг тўйиқ ўтказишга, эҳтиросларни авж олдиришга ҳар қандай уринишларига ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга фаоллик ортиқча асабийликка олиб келади ва мазкур мураккаб проблемани муваффақиятли ҳал этишга ҳеч қандай ёрдам бермайди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА КИМЛАР ХОИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Янги ифвогарликларга ҳозирлик кўраётган қрим татар экстремистлари

Улар уйга бостириб киришлари ва одамлардан маъмурлар олдига қўйиладиган навбатдаги ультиматумга имзо чекишни талаб қилишлари, разил юмалоқ хатлар уюштиришлари, тунда телефон орқали қўнғироқ қилиб, бирор аёлни ярамас сўзлар билан ҳақоратлашлари, унинг эри ва болаларидан ўч оламиз деб қўрқитишлари мумкин.

Улар кимлар?

Улар ўз хатти-ҳаракати билан қрим татар халқининг манфаатларига ёрдам бермай, балки унга хоинлик қилаётган қрим татар экстремистларидир.

Бугунги кунда бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган гоят ўткир ва долзарб проблемалар хусусида сукут сақланмай, балки улар кенг кўламда ошкора, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилади. Партия бошлаб берган ижтимоий турмушни муқаррар демократлаштириш жараёни, чаппа ҳақиқатга ўрин қолмайдиган ҳаётбахш ошкоралик муҳити туфайли шундай қилиш мумкин бўлди. Совет қрим татар гражданларининг аризаларида ўртага қўйилган ва матбуотимизда кенг ёритилган масала ҳам ана шундай проблемалардандир.

Масалаларнинг бутун комплексини кўриб чиқиш учун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида олий даражадаги давлат комиссияси, шунингдек, қрим-татарлар яшайдиган жойларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам комиссиялар тузилди. Мазкур комиссияларга қрим татарлар орасидан энг обрў-эътиборли кишилар, ишлаб чиқариш илғорлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, депутатлар, бир сўз билан айтганда, аҳоли барча табақаларининг вакиллари: ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар кирдилар. Улар жойларда бўлиб, меҳнаткашлар билан кўпдан-кўп суҳбатлар ўтказдилар. Меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари қатъий тарзда протоколга ёзилди ва масалани адолатли ҳал этиш учун давлат комиссиясига топширилди.

Шу тариқа, проблема гоят синчиклаб ўрганиб чиқилмоқда. Холис фикрловчи ҳар бир кишига шу нарса равшанки, муаммони ҳал этиш учун расмий хабарларда таъкидлаб ўтилганидек, муайян вақт талаб этилади. Бунинг устига бу проблема бугун ё кеча эмас, балки бундан 40 йилдан кўпроқ вақт аввал юзага келган. Бу проблемани бирданига ҳал этиш мумкин эмас ва уни осонликча ҳал этиб бўлмайди.

Шунга қарамай, қрим-татарлар орасида матбуотда ТАССнинг маълум хабари эълон қилинганидан кейин проблемани ҳал этиш йўлидаги ҳар томонлама ўйлаб кўрилган тадбирни бутунлай йўққа чиқаришга уринаётган шахслар маълум бўлиб қолди. Хўш, шу шахслар кимлар?

Одатдагидек, улар юксак маънавий ва гражданлик фазилатлари билан бошқалардан фарқ қилмайдилар, аммо уларнинг ҳар бири нафсониятга ҳаддан ташқари берилган кишилардир. Улар ҳамма сингари меҳнат қилишни истамайдилар, аммо ўз миллатига мансуб гражданлар орасида алоҳида обрў-эътиборни даъво қиладилар, қандай қилиб бўлмасин раҳбарликка эришишни истайдилар. «Миллий манфаатлар учун қурашувчилар» шон-шуҳрати кетидан қувган бу шахсларга барча воситалар: дўқ-пўписа, товламачилик, уйдирма-бўҳтонлар маъқул кўринади. Шунинг учун ҳам уларни экстремистлар деб аташади.

Улар билан яқиндан танишайлик. Экстремистлар бошлиғи М. Жемилев 7 марта судланган. У 1977 йилдан бошлаб Нью-Йоркдаги «Маънавий қардошлар» билан доимий алоқа боғлаб келган. Маълумки, улар совет халқининг адолатли қасосидан чўчиб, чекинган босқинчилар билан қочиб кетган турфа муртадлар ёки фашистларнинг малайларидир.

Ана шу компанияда собиқ фашистпараст «Озод Қрим» газетчасининг чобуққалами М. Муединов (тахаллуси Севдияр) алоҳида ажралиб туради. «Озод Қрим» газетчаси «Минг йиллик рейх» ғалабаси учун жар солган эди ва 1942 йилда Гитлерни «Халқларнинг большевизмдан буюк халоскори» деб қутлаган эди. Жемилев Севдиярни маънавий жиҳатдан ўзининг яқин кишиси деб билди ва у 70 ёшга тўлиши муносабати билан йўллаган табрик телеграмма с и д а «Муштарак мақсадлар»га эришишга умид билдирди. 1984 йилда «Правда Востока» газетасида эълон қилинган Жемилев иши юзасидан Ўзбекистон суд жараёнида тасдиқланганидек, ана шу «муштарак мақсадлар» — энг разил йўллар ва воситалар билан мамлакатимиз ҳамда халқимизни бадном қилишдан иборат эди.

Газета ўша пайтдаёқ М. Жемилевнинг таназзул йўлини кузатиб борди. У мактабни тамомлаганидан кейин Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига ўқишга кирди. Бироқ у аудиторияларда ва лабораторияларда кўпинча номигагина бўлар эди. Натижада олий ўқув юртидан четлаштирилди. У мана шу пайтда ўз хулқига баҳо бериб, хулоса чиқариши керак эди, чунки олдинда бутун ҳаёти турарди. У бундай қилмади. М. Жемилев ўзини қрим татарлар ҳуқуқлари учун курашчи, «ҳуқуқ ҳимоячиси» деб эълон қилиб, ўзи эса виждонсизларча бошқаларнинг иззат-нафсини поймол этди, ҳатто яқин қариндошлари бўлган кишиларнинг ҳис-туйғусини ҳақоратлаб, уларни маънавий жароҳатлади.

Мана унинг қизи ёзган мактубнинг ҳар бир сатри қандай мусаффо ва ёрқин қувонч билан тўлиб-тошган эди: у отасига пионерга ўтганлигини маълум қилган эди. Ота эса бу хабарга ўзига хос ғазаб билан: «Марҳамат қилиб айтчи, пионерга ўтиш нима учун сенга шунчалик қувонч келтирди? Бўйнингга бир парча қизил матони боғлаб қўйганликлари учунгинами? Сен ана шу пионерлар сафига кирмаганингда қувониш учун кўпроқ сабаб бўлур эди». Қалби ларзага келган қизча: «Сиз мен билан бирга қувонасиз деб ўйловдим, сиз эса, аксинча, қандай отасиз ўзи?» — деб жавоб қилган эди.

Хатто қизалоқ ўзи билан отаси орасида қандай жарлик пайдо бўлганлигини англай олди. Бола қалби бундай ларзани кўтара олиши қийин!

М. Жемилев қиёфасининг яна бир белгиси. «Социалистическая Якутия» газетаси 1979 йилда Якутия АССРдан ишчи А. Шарафиддиновнинг хатини эълон қилди. Ўша вақтда М. Жемилев Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судининг ҳукми билан Якутия АССРда жазо муддатини ўтаётган эди. Мана ўша хат: «Ўғлим Анвар Мустафони яхши одам деб ҳисоблар, у билан дўстлашган эдим. Жемилев эса мунофиқ бўлиб чиқди. Анварнинг ишончидан фойдаланиб, унинг икки фарзандини оиласини бузди». Бу гапларни шарҳлашга ҳожат йўқ. Анварнинг отаси редакцияга мурожаат қилиб бундай деб ёзади: «Жемилев ўзини маданиятли одам, «адолат учун курашувчи» қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Бу мунофиқнинг ҳақиқий башарасини газета орқали кўрсатишингизни сўрайман».

Ана шундай турмуш тарзининг қонуний натижаси шу бўлдики, у бирин-кетин судланди, шу жумладан ҳарбий хизматга чақирилишдан қочганлиги учун, Совет давлат ижтимоий тузумига туҳмат қилганлиги учун ва бошқа жиноятлари учун суд қилинди.

М.Жемилевнинг энг яқин ёрдамчиси Р. Жемилев ҳам ана шундай, у икки марта, шу жумладан давлат мулкини ўғирлаганлиги учун судланган. М. Жемилевнинг синглиси—Краснодар ўлкасидаги Абинскда яшайдиган Д. Сеитвелиева ҳам акасидан қолишмайди. Маълум бўлишича, шу кунларда у қрим татарларнинг йиғилишларида акасидан олган «халққа мурожаатнома» деб баландпарвоз ном берилган ифвогарликдан иборат хатни ўқиб бермоқда. Бу хатда М. Жемилев «қатъий, зўр бериб ҳаракат қилишга», «ҳокимиятга тазйиқ ўтказишга» даъват этади.

Экстремистлар анча илдиз отиб кетган. Сохта «бошлиқлар» қаторига интилаётганлар тўдасида экстремистларнинг Москвадаги чиқишларида иштирок этган, Низомий номидаги давлат педагогика институтининг баъзи студентларига миллатчилик руҳида таъсир ўтказишда эмоционал жўшқинликлари билан ном чиқарган «Йилдиз» журналининг катта редактори С. Сеутова; йиғинларда «Қрим—қрим татарларники» деган «ўз шиорини» баҳирлаб айтаётган ва «ўзбек халқи бизни қўллаб-қувватламаяпти» деб нолиётган (унинг мантиқига кўра ўзбеклар мусулмон биродарларни тушуниб етишлари керак экан) жарроҳ Р. Чочи; қўлидаги созини ташлаб сиёсатга берилиб кетган, яқинда Тошкент асбобсозлик заводи маъмуриятидан «навбатдаги йиғилишни ўтказиш учун дарҳол стадионни бўшатиб беришни» талаб қилган «Ҳайтарма» қрим татар ансамблининг мусиқачиси К. Ибрагимов; Москвада бўлган чоғида гўё «қрим татарларнинг қисид қўйилаётгани» ҳақидаги ғаразли ахборотни Ғарбга берган Тошсовет номли касалхона бўлимининг мудири Ф. Аблямитовлар бор. У йиғилишлардан бирида раислик мавқеидан устаслик билан фойдаланиб, Жемилев ва унинг компанияси фикрига қўшилмайдиган одамларга ҳужум қилди.

С. Сеутованинг фаолиятидан бир нечта тафсилотни келтирамиз. Айни шу аёл Би-Би-Си мухбирига оғизидан кўпик сачратиб нафрат билан интервью берган эди. У ва бошқа экстремистлар Москванинг овлоқ жойларида АҚШ элчихонасининг биринчи секретари Шон Бирнс билан учрашган, ифвогарлар у билан тезда умумий тил топишган эдилар. У Москвадан чиқариб юборилганидан кейин Тошкентга келиб, қўлида микрофон ушлаб, шаҳарни кезиб, ишчи комиссиясига ишларнинг боришини англаб олиш учун келганларнинг деярли ҳаммасидан шу комиссияга доғ тушурувчи гапларни айтишни талаб қилиб юрган эди.

1987 йил 8 октябрь куни С. Сеутова Ўзбекистон ССР Прокуратурасига таклиф қилинди. У қонунларни бузишга йўл қўйилмаслиги ҳақида расмий огоҳлантирилди.

Экстремистлар қрим татарларнинг миллий ҳаракати, деб аталган ҳаракатга раҳбарлик қилишга интилмоқдалар, давлат комиссиясига кўмаклашиш учун жойларда ташкил этилган ишчи комиссияларнинг аъзоларига дўқ-пўписа қилмоқдалар, уларни чалғитишга, обрўсини туширишга, агар бунга муваффақ бўлмасалар чўчитишга уринмоқдалар. Ана шундай одамлар ҳозирги вақтда ўзларининг ёвуз мақсадларини ҳалол ва виждонли меҳнатчиларга тиқиштиришга уринмоқдалар. Улар тўда бошлиқларининг Москвага сафар қилиши учун қачон пул тўплашни, қачон арзнома ёзишни, уларнинг «платформаларини» қилмаётганларни қандай қилиб яккалаб қўйишни, йиғилишларда ташаббусни қўлга олишни ўргатмоқдалар.

«Правда Востока» газетаси яқиндаги сонларидан бирида Краснодар ўлкасида яшовчи Фарғонада митинг уюштириб, унда Ўзбекистон территориясида яшовчи қрим татарларни пассивликда айблаган ва уларни «қатъий» ҳаракат қилишга даъват этган Б. Умеровнинг тилга олиб ўтган эди. Краснодар ўлкасининг «Советская Кубань» газетаси у ёқдан келган текинхўр чопоннинг шахси ҳақидаги батафсилотларни келтирди.

Б. Умеров ўзини ўлкада «ҳаракатнинг» энг асосий кучи, деб ҳисоблайди. Умеров воқеасида экстремистлар орасида шуҳрат қозонган уларнинг Қримга боришларига рухсат этилганлиги ҳақидаги тезис тилга олинмаганда унинг учун бўйнига тутилмай қолмаган бўлиб чиқарди, — деб ёзади газета. Б. Умеров ўз юртига боришга йўл қўйилмаётганлиги «жафокаш» ролини атайин ўйнаш мақсадида Қримга бормаётганлигини қўпайдирда носоғлом ниятларда юрганлиги ҳақида газета ҳам ёзган. Лекин унга Қримга боришга рухсат берилди. Шунинг учун эмас, у ерда прописка ўтказишди ҳам. Газета ўзининг адресини ҳам келтиради: Симферополь шаҳрининдаги Чистенькое кўчасида прописка қилинган, демак, шу ерда яшайвер, ишлайвер. Лекин бундай нотиқбод Умеровга тўғри келмайди. Чунки бу ҳолат уни ҳамма қатори оддий одам сифатида айлантириб қўяди... Умеров эса шон-шуҳрат қозонишнинг ҳаммасини инкорат маскараларини қўл келади.

Бу уринишларнинг ҳаммаси барбод бўлиши турган гап. Қрим татарлар — совет халқининг ажралмас қисмидир. Уларнинг тақдири ҳар доим халқлар билан ягона оилада яшашдан иборат.

А. ГРИГОРЬЕВ.

МУЗИКАЧИЛАР ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ТУГАДИ

«Ҳозирги замон музика маданиятида Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари анъаналари» мавзуида Самарқандда бўлиб ўтган музикашунослар учинчи халқаро симпозиумининг охирги куни бутун планета музикачиларига мурожаат этилди, унда тинчлик учун курашда бирликни мустаҳкамлашга чақирилади. Симпозиум ЮНЕСКО халқаро музика кенгашининг ташаббуси билан СССР Композиторлар союзи ва Маданият министрлиги ҳамкорлигида ташкил этилганди. Симпозиум ишида 25 мамлакатдан келган 400 дан ортиқ музикашунослар ва композиторлар қатнашдилар. Анъанавий музиканинг турли жиҳатлари, фольклорнинг замонавий музика ҳаётига таъсири хусусида беш кун мобайнида қизғин фикрлашувлар бўлди. Кўпдан-кўп давра суҳбатлари, мунозаралар чоғида замонавий ижодиётда миллий анъаналарни сақлашга катта эътибор берилди. Симпозиум қатнашчилари кўҳна Регистон майдонидаги Шердор мадрасасининг ҳовлисида ҳамда Самарқанд опера ва балет театри биносида ҳар куни кечқурун ўтказилган концертларда қатнашиб турдилар.

— Музика — инсон қалбига йўл очади, у музикачилар учунгина эмас, шу билан бирга миллатлар бирбирларини тушуниб етишининг негизи ҳамдир, — деди Белфаст қирол университетининг профессори Жон Блекинг симпозиумнинг якунловчи мажлисида сўзга чиқиб. — Бу тил бир-биримизни яхшироқ билиб олишимизга, муносабатларимиз янада самимий бўлишига имкон беради. Самарқанддаги бу анжуман ҳамжиҳатлик ва дўстлик вазнятида ўтганлиги гоятда муҳимдир. Самарқанддаги учрашув қатнашчилари барча маданият арбоблари сингари музикачилар ҳам ядро фалокати хавфига қарши тинчликни ҳимоя қилувчи залворли сўзларини айтишлари керак, деган яқдил фикр билдирдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ—ТУНИС БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

ТУНИС, 8 октябрь. (ТАСС). Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Тунис битимига мувофиқ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг делегацияси бу ерга келди.

Тошкент билан Тунис — биродарлашган шаҳарлар, икки пойтахт жамоатчилиги ўзаро анъанавий дўстлик ва амалий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Иккала шаҳар муитазам суръатда бир-бирларига делегациялар юбориб турадн.

«Яҳё» марказий кўргазмалар галереясида Ўзбекистон халқ ижодиёти буюмларининг намуналари ва боғлалар чизган расмлар қўйилган виставкани очиш маросими бўлди. Бу маросимда Тунис губернатори Аббос Муҳсин, шаҳар ҳокими Муҳаммад Али Булайманот, «Тунис — СССР» дўстлик жамиятининг раиси — Тунис маданият министри Закария Бин Мустафо, жамият аъзолари, Тунис пойтахти жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Визит программасида Тунис давлат арбоблари ҳамда дўстлик жамияти раҳбарлари билан учрашувлар, иккала мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида музокаралар ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон меҳмонларининг мамлакат бўйлаб танишув сафари кўзда тутилади.

ШАНБА ОҚШОМИ

Оқшом суҳбатлари

Вақт — олтиндан қиммат

Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз қайта қуриш ва фан-техниканн жадаллаштириш тадбирларини кизгин амалга ошираётган ҳозирги пайт-да меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини, иш вақтини унумли ўтказишини, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилашни ҳаёт тақозо этмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати Усмон ҚОРАБОЕВ билан суҳбатлашди.

— Бўш вақтнинг мазмуни ҳам?

— Бўш вақт шахс ва бутун жамиятнинг ривожи, киши-ларнинг маънавий бойиши, соғлом бўлиши, умри узайишини таъминлаб, ҳаётнн янада ранг-баранг қилувчи чексиз имкониятдир. Чунки шахс ўз маънавий ривожланишини асосан ишдан ташқари пайт — бўш вақтида амалга оширади. Ёшларнинг келажакда қандай одам бўлиб етишуви бўш вақтини қай тариқа ўтказишига боғлиқ. Агар улар бўш вақтда бекорчилик олса, фойдали меҳнат билан шуғулланса, ҳар томонлама тараққий эта боради. Ҳар бир шахснинг маънавий тараққий этиши эса, бутун жамият ривожи учун шарт-шароит яратади.

Тадқиқотларга қараганда, корхоналар дам олиш зоналарида маданий ҳордиқ уюштирганда кейин меҳнат унумдорлиги 26—31 фоиз ортган. Бутуниттифоқ Санъатшунослик илмий-текшириш институтида ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатганки, театр, музей, клуб каби маданий муассасаларга тез-тез бориб турадиган кишиларда меҳнат унумдорлиги бўш вақтни бекор ўтказадиганларга нисбатан 10—15 фоиз юқори бўлар экан.

Кишилар бўш вақтида физкультура ва спорт билан шуғулланса, касалликка кам чалинадилар. Бу эса шифокорлар ишини озайтиради, даволаш, ишга яроқсизлик учун тўланадиган маблағни тежайди.

Бўш вақтни самарали ўтказиш учун шароит яратишга эътибор бермаслик ўз навбатида кўплаб салбий томонларини яққол кўрсатди. Меҳнат унумдорлиги пасайди, ишдан кейин ва дам олиш кунлари ичкиликбозликлар кўпайди, коллективларда носоғлом ҳолатлар юзага келди, оилаларда жанжаллар, қўйди-чиқмалар сони ортди. Чунки кишиларнинг бўш вақтида яхши дам олишига етарли шароит бўлмаса, сунъий йўллар — гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби ярамас илинжлар воситасида таскин тошишга интилади. Бу одатларни фақат қонун йўли билан тақиқлаш камлик қилади. Шунинг учун уларни ҳаётдан суриб чиқарадиган маданий тадбирларни топиш керак.

— Бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун қандай тадбирлар керак?

— Бўш вақтни мазмунли ва фойдали ўтказишда клуб ва спорт иншоотлари жуда катта аҳамият касб этади. Театр, кинотеатр, истироҳат боғлари, фестивеллар, халқ сайллари, турли байрамлар муҳим роль ўйнайди. Лекин бундай ишлар кўнгилдагидай йўлга қўйилган, деб бўлмайди. СССР Фанлар академияси Социология тадқиқотлари институти Иттифоқимиздаги 28 регион, жумладан, Ўзбекистондаги 200 минг киши орасида текшириш ўтказганда бўш вақтда уларнинг 50 фоизи телетомошалар кўриши, 40 фоизи газета-журнал, 30 фоизи бадиий адабиётлар мутолаа қилиши, 24 фоизи томорқаларда банд бўлиши ва фақат 5 фоизи физкультура-спорт, 2 фоизи эса бадиий ҳаваскорлик билан шуғулланиши маълум бўлди. Республикамизда ҳар юз кишидан учтаси халқ ижодига жалб этилган.

— Экскурсия ва саёҳатлар уюштириш ишлари аҳволини қандай деб ўйлайсиз?

— Туризм ҳаётимизда тобора кенг тарқалаётган ажойиб дам олиш туридир. Чунки саёҳат давомида кишилар ҳаво алмаштиради, шаҳарлар ва она табиат билан танишади, дўстлар орттиради. Бугунги кунда Ўзбекистон туризм ва экскурсия бўйича республика советига қарашли 21 та туристик хўжалик бўлиб, 7,5 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатяпти. Тошкентдаги «Москва», «Саёҳат» каби замонавий меҳмонхоналарда дам олиш учун барча имкониятлар яратилган. Туристик поезд, самолёт ва автобуслар саёҳатчиларга яхши кўмаклашяпти. Тошкент шаҳри аҳолиси «Саломатлик» поездида Хўжакент қишлоғига анъанавий саёҳатларга чиқмоқда.

— Чойхоналар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Республикамизда чойхоналар қадимдан дам олиш ва мулоқат маскани бўлиб келган. Жумладан, «Қизил чойхона»лар инқилобдан кейин оммавий-сиёсий, маданий-маърифий марказ сифатида социалистик онгни шакллантириш, саводсизликни тугатиш, халқнинг маданий савиясини ўстиришда катта роль ўйнади. Бироқ, улар кейинчалик умумий овқатланиш системасига ўтказилди ва юқоридаги муҳим вазифаларини йўқотди. Унгача эса чойхоналар маданий-оқартув бошқармаси ихтиёрида бўлганди. Ҳозирги кунда баҳайбат, ҳашаматли чойхоналар қурилмоқда. Лекин улардан умумий овқатланиш тармоғи вазифасини бажариш талаб этиляпти. Натижада кишиларнинг у ерга йиғилиб дам олиш, суҳбат қуриш, газета-журналлар ўқишлари учун имконият йўқ.

Биргина Акмал Икромов районидаги «Оқтепа» чойхонаси амалга ошираётган хайрли ишлар мақтовга лойиқдир. У ерда маданий тадбирлар ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Турли учрашувлар ташкил этиляпти, «Олтин тўй»лар нишонланяпти. Буни бошқа қўплаб чойхоналарга ҳам кенг ёйиш айни муддао бўлур эди.

— Кейинги пайтларда ўтказилаётган турли сайллар ҳам халқ севган тадбирлардан бўлиб қолди...

— Шундай. Чунки бу табиий ҳол-да. Халқимиз қадимдан «Қизил гул сайли», «Лола сайли», «Беҳи гули сайли», «Булбул қўшиғи», «Наврўз» каби байрамларни ўтказиб келган. Шифобахш қум бор жойларда ҳатто «Қум сайли»га чиққанлар. Аммо кўпгина ажойиб сайллар унутилиб кетганди. Мана, сўнгги йилларда улар тағин ривожланиб, оммалашиб боряпти. Ҳозир байрам кечалари уюштирилаётган мушакбозликда шаҳримизнинг Ленин номли майдонига одам сиғмай кетади. «Ғалаба» боғида нишонланаётган Матбуот куни, Радио куни шаҳар аҳолисининг ҳақиқий байрамига айланди. К. Маркс кўчасидаги сайллар ҳам жуда кўнгилли бўляпти. Булардан халқимизнинг шодиёналарга қанчалик чанқоқлиги кўриниб турибди.

— Лекин бундай сайлларни тобора кўпайтириш керак. Масалан, «Оқшом» газеталари кунини ўтказиш ҳам маданий шодиёнага айланарди.

— Жуда ажойиб иш бўларди-да! Ўша куни газетага обунани ташкил этиш мумкин. Сайллар қанчалик кўпайса, турмушимиз шунчалик қизиқарли бўлади.

Суҳбатни
Ориф ФАРМОНОВ
олиб борди.

Ўсимликлар оламида

Ўзи аччиқ, давоси ширин

Ҳурматли редакция! Қалампирни баъзилар фойдали, баъзилар эса соғлиққа зиён дейишади. Унинг қандай хосиятлари бор?

Ш. ҚАМАРИДДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

Маълумки, қалампир бир йиллик, бўйи 30 —60 сантиметргача етадиган ўт-ўсимлик, пояси тик ўсувчи, қирралн. Барги оддий, тухумсимон, ўткир учли, гуллари оқ. Меваси кам сувли, қалин пўстли, кўп уруғли. Навларининг меваси ялтироқ,, қизил ва яшил рангли, мазаси аччиқ ва чучук бўлади.

Қалампирнинг ёзишга арзигудек тарихи ҳам бор. Уни биринчи бўлиб буюк сайёҳ Христофор Колумб Испанияга олиб келган эди. Асосий навлари ҳамда турлари эса Мексика ва Гватемала марказий районлари бўлиб, бу ерлар айни унинг ватани ҳамдир. Айни пайтда қалампир ҳамма шаҳар, районларда ўстирилади. Унинг бир қанча навлари бўлиб, улар мевасининг тузилиши, ранги ва аччиқлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Медицинада аччиқ қалампир ишлатилади. Унинг меваси таркибида капсаицин алкалоиди 2 процентгача, С витамини 200 миллиграмм процентгача, каротин, эфир мойи, ёг флавон гликозиди ва бошқа моддалар бор. Таркибидаги капсаицин терини қитиқлайди ва жузъий қон айланишини кучайтиради. Оз миқдорда ошқозон шираси (сок) секрециясини кучайтиради. Қалампир меваси, настойкаси иштаҳа очувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшиловчи дори-дармон сифатида яхши наф келтиради. Шунингдек, қалампир настойкаси ревматизм (бод), бўғин оғриқларида, шамоллаганда қўлланилади. Дори препаратларини фармацевтика саноати ишлаб чиқаради ва аптекаларга юборади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳамма нарсанинг меъёри бўлганидек, қалампир мевасини ҳам кўп истеъмол қилиш зарарлидир. Уни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш кишини тез қаритишга олиб келади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фарғоналик доришунос.

Митти масаллар

Мушукчанинг хатоси

Мушукча ўзича ўлжаларни тутиб ейдиган бўлди. Онаси ундан хурсанд эди. Мушукча бегона жойларга тентириб кетиб қолади. Бир куни Мушукча ток навдасида турган Бешиктебратарни кўриб қолиб, емоқчи бўлди. У қимирлаб юра бошлади.

— Қара-я! Рангори барг рангида экан, қочиб бўпсан! Тағин алдамоқчи шекилли!..

Мушукча ўзига-ўзи шундай деди-ю, ҳамла қилди. Тебраниб турган Бешиктебратар абжир эди, ундан олдин отилди-ю, Мушукча кўзини кўр қилди-қўйди. У «миёв»даганича онасига чопди, бечора...

— Миёв! Унинг оти нима эди, наҳотки уни менга яхши таништирмагансиз, мен унга... Кўрсатиб қўяман!

Ўғри ва қароқчи


Бойвачча Сичқон иссиқ кунларнинг бирида тилла-танга пулларини ёйиб офтобда қуритарди, баъзан тилла ҳамёнларнинг саноғига етолмай чарчаб ухлаб ҳам қоларди. Бир куни бирдан шарпа сезди-ю, йиғиштирганича нинга чопди. Бефойда. Йўлида тарғил ола Мушук унга деди:

— Тешик берк, қочолмайсан, қолганини ҳам олмайсанми?

— Барчаси сизга, илтимос, фақат мени емасангиз бўлгани...

«Маданий» ўғрини «маданий» қароқчи урди.

Анвар МИРЗАЕВ.



© СССР халқлари дўстлиги музейи.

Р. Шарипов фотоси.

ШУМ АРАҚ

Бу оғунинг қилмишини айтай сизга,
Ҳўп ажиллар келтирадн гўзал юзга.
Эркалатиб алдар донм қувонтириб,
Сарҳуш қилиб, кўнгил очиб овунтирнб.
Инсонликни унутасан, бўлиб юзсиз,
Тафаккурииг сусайтиргач — сўзлар тузсиз.
Пок қалбингни ўгрилаган у, ҳукмрон,
Уз йўлига солиб олар даҳшат шу он,
Иссиқ уйинг бузилади бу — қаробалик,
Бошинг узра тушар офат чексиз хўрлик,
Кўча-куйда жирканадн кўрган инсон,
Ҳар знианн ёстиқ қилар бошинг, инон.
Жиноятга қўлинг тутиб етаклайдн,
Юрагинга алам солиб у, доғлайдн.

Обрўсиии тўкса инсон у, инсонмн
Тўғри йўлдан, тўғри юрсанг бу нуқсонми!
Бола-чақа юз ўгирса бу дахшатдир,
Қавм-қариндош юз ўгирар, бу ҳам камдир,
Ҳар бир инсон, инсон бўлса тутсин ўзин,
Лабдан учса эшитсинлар ширин сўзин.
Бетн қурсин бор огуни билгин ўртоқ,
Ҳа оғизга олма дейдн Темир мутлоқ.
Кимдаким-кн тарк этмайин нчса арақ,
Усти бошн жулдир, ҳатто, пайпоқ ямоқ.
Шум арақнинг иллатидан яхши, ёмон.
Хор қиладн, зор қиладн охир ҳамон.

Темур КАРИМОВ,
меҳнат ветерани.

Болалар сўзлаганда

ОЛТИ ЁШЛИ

— Нега йиғлаяпсан, Чаросон? — сўради тарбиячи тинимсиз ҳиқиллаётган қизчадан.

— Анув, иккинчида ўқийдиган Ҳаким бору, ўша мени олти ёшли, деди, — жавоб қилди у.

ЁҚИМЛИ ДАРС

— Қалай, мактаб яхши экан-ми? Сенга қайси дарс ёқади? — сўради дадаси Бахтиёрдан.

— Ўйин дарси билан ошхона дарси, — деди илк бора мактабга бориб келган Бахтиёр.

БАҲО

— Бугун неччи баҳо олдинг? — сўради опаси олти ёшли Лобардан.

— Иккита баракалла олдим, — деди у қувонч билан.

ЭҲТИЁТКОР

— Қўлни фартукка артиш яхши эмас, Дилфуза. Нима, дастрўмолчанг йўқми? — сўради тарбиячи.

— Бору, аям уни эҳтиёт қилгин деганлар, — деди у.

Зоҳиджон НЕЪМАТОВ,
Фарғона область, Бағдод район, Истироҳат қишлоғи.

Турфа олам

ЛОЙДАН ЯСАЛГАН ҚУШИН

Хитой археологлари Хэбэй вилоятининг жанубий қисмидан қизғиш-жигарранг гилдан тайёрланган бутун бир «қўшин»ни қазиб олдилар. Тарихчиларнинг фикрига кўра бундан 1400 йил муқаддам Шимолий Ци қўҳна сулоласининг императори дафн этнлган ер ости мавзолейидан пишитилган лойдан ясалган ва катталиги 30 сантиметрдан 1,5 метргача бўлган турли фигуралар қазиб чиқарилди. Улар жангчиларин— солдат ва офицерларни, чавандозларни, созанда ва раққосаларни тасвирлайди.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ КЎПАЙМОҚДА

Ёши 15 дан 24 гача бўлган ҳар тўрт америкаликдан бири ўз жонига қасд қилишга уриниб кўрган ёки ана шу қадамни қўйишга жуда яқин. 1955 йилдан бери Америка Қўшма Штатларида ҳар йили ўз жонига қасд қилаётган йигит ва қизларнинг сони тўрт баравар кўпайди. Ҳозир кўнгилли равишда ўз жонига қасд қилиш ёш америкаликлар ўртасидаги ўлимнинг асосий сабаблари рўйхатида учинчи ўринни эгаллайди. Миннесота университети ва «Жорнэл оф Американ медикл ассошиэйшн» журнали томонидан тайёрланган икки янги докладда ана шу маълумотлар келтирилади.

ДИҚҚАТ, НАФАС ОЛМАНГ!

Германия Федератив Республикасининг бир қатор йирик шаҳарлари кўчаларида



қисқагина «смог» сўзи ёзилган огоҳлантирувчи белгилар пайдо бўлди. Ёзув билан ёнма-ён ана шу белги ўрнатилган районда ўпка ва юрак хасталиклари бўлган кишиларнинг бўлиши тавсия этилмайдиган куннинг энг хавфли вақти ҳам кўрсатилган. Шуни айтиш керакки, ана шу саломатлик учун хавфли жойларда соғлом одамларнинг нафас олиши ҳам тавсия этилмайди.

КАПАЛАКНИ ЯШИРИБ СОТИШМОҚДА

Испания билан Португалия чегарасида контрабанда билан шуғулланиш кучаймоқда. Чегарадан тасаввур этиб бўлмайдиган товарларни, ҳатто капалакларни ҳам яширинча олиб ўтишмоқда. Капалаклар Португалиянинг Саду дарёси қуйилишида ниҳоятда кўп. Уларни Испания балиқчилари бажонидил



харид қилишади. Нега энди шу арзимаган капалакларни ҳам ошкора экспорт қилиш мумкин эмас экан, деб сўрарсиз. Гап шундаки, чегарадан олиб ўтилаётган товарларга ниҳоятда катта бож солинади.

«Тошкент оқшоми»ни интизорлик билан кутамиз...»

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР



«Биз «Тошкент оқшоми»га ёзилишни истаймиз», «Обуна бўлишга ёрдам беринг...» Бундан икки йил олдин редакциямизга республикамизнинг турли бурчакларидан ана шундай мазмундаги илтимосномалар кўплаб келиб турарди. Афсуски, ўша пайтларда «Оқшом» газеталарига четдан обуна қабул қилинмасди.

Ниҳоят минг-минглаб газетхонларнинг илтимослари инобатга олинди: ҳозирги кунда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини Ўзбекистоннинг барча область ва шаҳарларида олмоқдалар.

Биз яқинда редакция топшириғига биноан Фарғона водийси оқшомхонлари билан учрашиш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф-истакларини билиш мақсадида сафарга чиқдик...

Қаерга бормайлик, ким билан учрашмайлик, бир нарсага амин бўлдик: водийнинг азамат деҳқонлари, ишчи-хизматчилари, студенту ўқувчилари «Тошкент оқшоми»нинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқир эканлар.

Марғилон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Й. Муҳитдинова:

—Марғилонликлар Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат қилмоқдалар. Саноат корхоналарида барча ишларни қайта қуриш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш самарали натижалар бермоқда. «Атлас» бирлашмаси, ипак комбинати, чўян қуюв, авторемонт заводлари, бадиий-тикувчилик, «Ёдгорлик» фабрикалари коллективлари ўтган 8 ой якунлари бўйича салмоқли кўрсаткичларга эришдилар. Шаҳримиз босмахонаси коллективи СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини иккинчи марта ўз қўлида сақлаб қолди. Ҳали тугатилмаган камчиликларимиз, ишга солинмаган имкониятларимиз кўп. Ишчиларимизнинг кўпчилиги «Оқшом» газеталарига ёзилишган. Унинг саҳифаларида саноат корхоналари илғор тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар қизиқиш билан ўқилади. Демоқчиманки, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида ана шундай материаллар янада кўпроқ ёритилса, «Марғилон ҳақиқати» шаҳар газетаси билан ўрнатилган ҳозирги ҳамкорлик алоқалари янада ривожлантирилса қайта қуриш ва жадаллаштириш соҳасидаги ишларимиз янада самаралироқ бўларди.

Шу куни биз «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдик. Ўзида 7 минг кишини бирлаштирган бу улкан корхона маҳсулотлари жаҳонга машҳур. Илгари хилма-хил товланувчи атласларни фақат хонлар, каттакатта бойларнинг хонадонларидагина кийишарди. Энди-чи? Шундоқ ҳам гўзал Марғилон қизлари атлас кўйлакларда янада сулувроқ кўринадилар. Атлас тўқувчи уста Юсуфжон аканинг ўғли Рўзилло Маъруфжонов бугунги кунда бирлашма бош директорининг ўринбосари. Унинг турмуш ўртоғи ҳам шу ерда тўқувчи. Гап айланиб «Тошкент оқшоми» газетасига тўхтади.

— Пойтахтнинг «Оқшом» газеталарини ўқиш имкониятига эга бўлганлигимиздан хурсандмиз, — дейди Р. Маъруфжонов, — улардаги материаллар, янгиликларни ўқиб, гўзал Тошкентимизнинг қайноқ ҳаёти билан танишиб бормоқдамиз. Бу йил оилamизда 12 та нашрга обуна бўлдик. Фарзандларимиздан бири эса «Тошкент оқшоми»га ёзилди.

Директор ўринбосари бирлашманинг мингдан знёд ишчиси «Тошкент оқшоми»га ёзилиш истагини билдирганлигини айтди.

Фарғонанинг Қува райони ўзининг мириштикор деҳқонлари, анорлари билан машҳур. Биз республикада хизмат кўрсатган пахтакор, III Бутуниттифоқ колхозчилар съезди делегати Мусажон Шербўтаев раҳбарлик қилаётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозида бўлдик. Меҳнат Шуҳрати орденининг учала даражасини олган машҳур пахтакор Муҳаммаджон Қўчқоров шу ерда ишлайди. Бугунги кунда колхоз меҳнаткашлари план ва мажбуриятларини шараф билан бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Бири-биридан гўзал «Бекат», «Янги чек», «Бўстон» посёлкалари киши кўзини қувонтиради. Колхозчилар учун барча қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Колхоз партия комитетининг секретари Аъзамжон Акбаров:

— Тўғрисини айтганда, газета-журнал кириб бормаган хонадон йўқ, ҳисоб. Халқимиз саводхон халқ, уларга «Фалон нашрга ёзилишинг шарт», деб қисталанг қилмаймиз. Ўзлари хоҳлаган газета ва журналларга обуна бўлишмоқда. Аввал, пойтахтга борганимиздагина «Оқшом» газеталарини олиб келардик. Энди эса унга чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда. Колхозчиларимизнинг кўпчилиги бошқа нашрлар қаторида «Тошкент оқшоми»га ҳам ёзилмоқдалар.

Шу райондаги Калинин номли колхоз партия комитетининг секретари Аҳмадулла Шайдуллаев ўз мулоҳазасини билдирди:

— Биз пойтахтимиз олимлари, айниқса лойиҳачиларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишлари, қишлоқ ва посёлкалар учун қандай бинолар лойиҳаларини яратаётганликлари, уларнинг келгуси режалари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар кўпроқ ёритилишини истаймиз.

Наманган область Уйчи районидаги «Ленинчи йўл» колхозига Абдулла Қаҳҳорининг Сандасига ўхшаган куйдн-пишдн, тинмн-тинчмас Дилбархон Тўрабоева раислик қиладн. У областда биринчи бўлиб колхозчи, суд согувчи хотин-қизлар учун ҳар ҳафтанинг якшанба кунларини дам олиш куни, деб эълон қилган одам. Инсон омилига жиддий эътибор меҳнат унумдорлигига баракали таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили колхозда район бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришилди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилди. Бу йилги «Ҳосил байрами»да колхоз биринчи ўринни эгаллаб, енгил автомашина билан мукофотланди.

—. Партия ва ҳукуматимиз биз меҳнаткашларга катта ғамхўрликлар қилмоқда, — дейди раиса, — «Тошкент оқшоми»ига пойтахтдан ташқарида ҳам обуна бўлиш имконияти яратилганлиги ҳаммамизни мамнун қилмоқда. «Оқшом» саҳифаларидаги материалларни ўқиб, Тошкент ҳаёти билан танишамиз. Биласизми, мен ҳаётга иккинчи марта қайтиб келган одаммаи. Шифокорлар менн оғир дарддан халос этишди. Уларга ихлос-эътиқодим баланд. «Оқшом»нинг «Саломатлик клуби» материалларини, медицина фани билимдонлари мақолаларини катта қизиқиш билан ўқиб борамен.

Дилбархон: «Келгуси йилдан бошлаб кўпгина колхозчиларимиз, чорвадорларимиз хонадонларига «Тошкент оқшоми» кириб боради, у ҳар бир дала шийпонида ҳам севиб ўқилади», дейди.

Раисанинг гапида муболаға йўқ. **Биз Уйчи район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи Абдусамад Мирзаев билан суҳбатлашганимизда у: «Район меҳнаткашлари «Оқшом» газеталарига ўтган йилгидан икки-уч баравар кўп ёзилмоқдалар», деб айтди.**

Биз Андижон район партия комитетининг секретари Юлдузхон Мўминова билан райондаги Ленин номли совхоз меҳнаткашларн ҳузурида бўлдик, туя ўркачидек баланд-паст адирлардаги ниҳоятда қийин шароитга қарамай пахтадан мўл ҳосил етиштираётган пахтакорлар билан учрашдик. Қудратли Улуғнор насоси 200 метр баландликдаги адир ерларига Қора дарёдан сув чиқариб беради. Бизни бир теримдаёқ пахта тайёрлаш планларини бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топшираётган оилавий звено коллективлари билан таништиришди. Дала шийпонларида «Тошкент оқшоми» ўқувчилари билан учрашдик.

Абдуқаҳҳор Исоқов (оилавий звено бошлиғи): Ҳозир деҳқонларимиз пиру бадавлат яшамоқдалар. Ҳалол меҳнат қиладиган кишиларга барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Ишонасизми, ўтган йилги ҳисоботда нақ 12 минг сўм пулни ҳалтачага солиб, звеномиз аъзолари олдига борганман. Ҳовли-жойларимиз яхши, «Жигули» енгил автомашинамиз бор.

Бу йил қандай газета-журналларга ёзилдингиз? — сўраймиз ундан.

— Республика газеталари ва «Тошкент оқшоми»га обуна бўлдик, — деб жавоб берди у. — Мана, сиз редакция вакили экансиз, адирдаги қийин шароитларни кўриб турибсиз. Бу ерларда қишлоқ хўжалик техникалари тез ишдан чиқади. Пойтахт олимлари ҳозирги кунда биз деҳқонлар учун қандай машина, тракторлар устида иш олиб боришмоқда? Газета саҳифаларида ана шулар ҳақида ҳам тез-тез ёзиб турнглар...

Биз Андижон пойафзал бирлашмаси мастер ёрдамчиси, газетамизнинг жамоатчи мухбири Ўктамжон Холиқов билан ҳам суҳбатлашдик.

— Бирлашмамизда «Тошкент оқшоми» қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади. Бизга, айниқса одобахлоқ мавзуидаги мақолалар ёқади, шаҳар хўжалигига онд материалларни қизиқиш билан ўқийимиз. Мен «Оқшом» ўқувчиси сифатида ўз мулоҳазамни айтмоқчиман: ҳозирги пайтда жамиятимиз иллатларига қарши кенг кўламда кураш олиб борилмоқда. Газета саҳифаларида ана шу кураш тўғрисида янада салмоқли материаллар, пойтахтнинг қонун қўриқчиларн ҳақида ҳикоялар бериб борилса, деймиз. Бу йил бирлашмамиз ишчиларидан кўпчилиги «Оқшом» газеталарига ҳам обуна бўлишди.

Биз Фарғона, Наманган, Андижон шаҳарларида бўлганимизда киоскачилар билан суҳбатлашдик, уларнинг таклиф-истакларини ёзиб олдик.

Ранса Бойтеракова (Марғилондаги 22-киоска сотувчиси): — Ўтган йилдан бери «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини сотаман. Одамлар бир кун олдин «Менга «Оқшом» олиб қўйинг», деб илтимос қилишади. Чунки, бу газета бизга жуда кам келади. Сабабини сўрасам, «Тошкентнинг ўзига етмас экан», дейишади. Киоскаларга кўпроқ газета юборишнинг иложи йўқмикин?

Мирҳай Файзиев (Андижон шаҳридаги 19-киоска сотувчиси): — Бизга «Оқшом» газеталари кундуз соат иккида келтирилади ва шу заҳоти сотилиб кетади. Шаҳримизда унга қизиқиш катта. Ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз.

Бошқа киоскачилар ҳам: «Оқшом» газеталари кам, ўқувчилар эса кўп» дейишди...

Биз «Оқшом» газеталарини пахтакорлар, механизаторлар, ишчи-хизматчилар, студентлару ўқувчилар кўлида кўрдик, Наманганнинг машҳур маданият ва истироҳат боғида газета ўқиётган оқшомхонларни учратдик. Газетамизга бунчалик қизиқишнинг сабаби бор: ҳамма республика пойтахти ҳаёти, унинг янгиликлари билан мунтазам танишиб боргиси келади.

Ҳа, «Оқшом» газеталари республикамиз меҳнаткашлари хонадонларига ҳам кириб бормоқда, уларга пойтахт шаҳар — Тошкентнинг азамат ишчилари, заҳматкаш олимлари, санъаткорлари ишлари, маданий-ижтимоий ҳаёти, унинг азиз меҳмонлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда...

Эсон ҚОСИМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.
Тошкент — Фарғона — Наманган — Андижон.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

телепрограммалар

Душанба

12 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа 9.35 Футбол шарҳи. 10.05 Ю. Яковлев қаҳрамонлари экранда. «У ҳақиқий карнайчи эди». 11.10 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.55 Ҳужжатли фильм премьераси. 17.45 Рус тили. 18.15 «Испания бўйлаб». телеочерк. 18.35 «Ҳаво айниди». Мультфильм. 18.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.00 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Сўнгги томчи қони қолгунча». Бадиий фильм («Мосфильм» ва ПХР). 1 ва 2-сериялар. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 МУАММОЛАР — ИЗЛАНИШЛАР —ЕЧИМЛАР. Ижтимоий фанлар—қайта қуришга. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 23.30 Халқаро конкурслар лауреати. А. Диев чалади (фортепьяно). 24.00 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Глекозлар». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск). 9.35, 10.35 Музика. 7-синф. М. И. Глинка. «Вальс-фантазия». 10.05, 14.30 Итальян тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.35, 12.50 Тарих. 5-синф. Қадимий Мисрда. 12.05 «Новаторлар ва консерваторлар». 13.20 «Тунги лабиринт». Бадиий фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.10 А. М. Горький. «Тубанликда».

18.35 Янгиликлар. 18.45 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 19.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бонифацийнинг таътиллари». Мультфильм. 20.45 Футбол шарҳи. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. 23.00 Янгиликлар.



● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Урал шаҳрининг этюдлари», Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 «Ватанимни шарафлайман». Ватан ҳақида қўшиқлар.

* * *

17.30 Ботаника. Ўсимлик ҳужайраси. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Жажжи юлдузлар». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Муқаддима». Телефильм («Узкинохроника»). 20.00 Сиёсий ва иқтисодий тафаккур — оммага. «Қайта қуришни амалий ишлар билан чуқурлаштирайлик». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Совет Ўзбекистони композиторлари». Б. Гиенко туғилган кунининг 70 йиллигига. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 22.10 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия — «Ҳақиқат излаб». 23.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Туризм — саломатлик маршрутлари» (такрорий). 20.30 «Телеграммалар... телеграмма» концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.00 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Ёш бўлиш осонми?» Ҳужжатли фильм. (рус.). 23.20 «Биринчи микрофон».

Сешанба

13 ОКТЯБРЬ

● МТ I


8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 Болалар учун фильм. «Ҳар бир овчи билишни истайди» (А. Довженко номли киностудия). 10.50 Татар халқ куйлари. Қозондан кўрсатилади. 11.10 Янгиликлар.

* * *

16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Қирғизтелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильмлари: «Менинг сахий шаҳрим», «Қалб садоси». 17.30 «Қувноқ стартлар». 18.15 ГФР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 19.10 Шеърият лаҳзалари. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 «Бир-биримиздан ўрганадиган нарсаларимиз кўп». СССР Фанлар академиясида давра суҳбати. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.00 Халқ куйлари. 20.30 «АМСТЕРДАМЛИК ХОНИМ». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГФР). 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.10 Ленинград—Майнц (ГФР) телекўприги. 23.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.25 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Дала олдидаги қарзимиз». Телевизион ҳужжатли фильм (Олмаота). 9.35 10.35 Физика. 10-синф. Электр энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш. 10.05, 15.35 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Е. Салтиков-Шчедрин ҳикоялари. 11.35, 12.40 Табиатшунослик. 3-синф. Ер устининг шакллари. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.10 Рус тили. 13.00 «Эртага келинг». Бадиий фильм. 15.05



Янгиликлар. 15.15 «Компьютер билан диалог».

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Автогигантга нима ҳалақит беряпти?» Горький автозаводини қайта қуриш муаммолари ҳақида. 19.15 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 20.20 МУЗИКАЛИ КИОСК. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Беляева олиб боради. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 1-қисм. 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Москвитина чалади (арфа). 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.10 «ҚЎШИҚ ЧОРЛАЙДИ». Фильм-концерт премьераси (Киев). 23.15 Янгиликлар.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан сешанба, 13 октябрь куни Тошкент шаҳри ва Тошкент области телетомошабинлари учун ЎзТВ кўрсатувлари соат 7.00 дан 8.00 гача 11-канал орқали намойиш этилади.

Республика областлари телетомошабинлари учун ЎзТВ кўрсатувлари соат 7.00 дан 8.00 гача МТ I канали орқали намойиш этилади.



● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

* * *

17.30 Қизиқувчилар экрани. «Таъмирлаш сирлари». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Бола, от ва Гўруғли». Мультфильм. 18.25 «Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида». (рус.). 18.45 «Ёдгорлик» туркумидан. Ибрат ижоди ҳақида. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Очиқ хат». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари — меҳмонимиз. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Қобилжон Юсупов куйлайди. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.20 Хотин-қизлар командалари ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. Олий лига. «Политотдел» — «Колосс» (Борисполь). 22.55 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия— «Ҳақиқат излаб». 00.05 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 20.05 «Маҳфий агент». Бадиий фильм. 21.30 Москва ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ. 22.00 Экранлаштирилган адабий асарлар, «Истеъфодаги полковник», Бадиий фильм.

Чоршанба

14 ОКТЯБРЬ

● МТ I


8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Қувноқ стартлар». 10.20 «Амстердамлик хоним». Телевизион бадиий фильм. 11.20 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.35 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.45 «Шаҳар таронаси». Горький шаҳридан кўрсатилади. 17.15 ЯМАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИГА. Киноочерк. 17.30 «Рус музейи». Совет графикаси. 18.00 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.45 «МАЖЛИС». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. СОВЕТ ГРУЗИЯСИ. ГРУЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 СССР Давлат телерадиоси коллективларининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залида мавсумнинг очилиши. 00.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Учиш ҳуқуқи». Телевизион ҳужжатли фильм (Кишинёв). 9.35, 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Олам материалист кўзи билан. «Тарихий материализмнинг бошланиши» темасига. 10.05 «Рус санъати». Ёғоч меъморчилиги. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Астрономия. Ой. 11.35 Умумий биология. 9-синф. Сунъий танлашнинг ижодий роли. 12.05 «АБВГДейка». 13.15 «Бош узра шаҳар». Тўрт серияли телевизион бадиий



фильм. 1-серия. 14.30 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 15.00 Янгиликлар. 15.10 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Ратиборнинг болалиги». Мультфильм. 19.05 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». 19.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 2-қисм. 20.45 «Начдив Александр Пархоменко». Ҳужжатли фильм (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 20.55 «Илмий фантастика ва инсониятнинг келажаги». Фантаст ёзувчилар халқаро учрашуви якунларига доир. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. АСК—«Спартак». 2 ва 3-даврлар. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 Ота-оналарга болалар ҳақида. «Илҳом». Телефильм («Ўзбектелефильм»).

* * *

17.30 Рус адабиёти. Пугачёв ва Гринев (А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повести асосида). 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Анъаналар давом этмоқда». 19.00 «Дала, ҳовли юмушлари». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Министрликлар ва идораларда экономикани бошқаришда қайта қуришнинг бориши ҳақида». Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи Н. А. Белогуров билан интервью. 20.00 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Кўҳна созлар». Уд. 21.20 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия — «Инқилоб куйчиси». 23.20 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Фортепьяно куйларидан концерт. 20.10 Ритмик гимнастика. 20.30 «Турна пати». Самарқанд қўғирчоқ театрининг спектакли. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 22.05 Фондимиздан А. Шукуҳий. «Булбуллар хониши». Телеспектакль. 23.05 «Қизғиш шамол». Телевизион ҳужжатли фильм.

Пайшанба

15 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Жонли табиат». 10.35 Пермь музика билим юртининг духовой оркестри чалади. Пермдан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Тожиктелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильмлари: «Рогун», «Тўртинчи саҳифа», «Машаққатли ўзгаришлар». 17.50 «Закарпатье жилолари», Ужгороддан кўрсатилади. 18.00 «Спорт ва шахс». Ака-ука Знаменскийлар. 18.30 «Салом, музика!» 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.35 «Сен ва биз». Фильм-концерт («Экран»). 20.05 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Ўлган кишининг мактублари». Бадиий фильм («Ленфильм») 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 СССР — АҚШ телекўприги. СССР Олий Совети депутатларининг АҚШ конгресси аъзолари билан учрашуви.

23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 00.15 ДУНЁ ВА ЁШЛАР.

● МТ II

9.15 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Қора нон бўлаги», Телевизион ҳужжатли фильм (Киров). 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10-синф. 10.05, 14.40 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Тарих. Социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг



ривожланиши. 11.35 Халқ ҳунармандчилиги. Кулолчилик санъати. 12.35 Илмий-оммабоп фильмлар: «Сирлар кўли, жумбоқлар денгизи», «Тирик саҳро». 13.15 «Бош узра шаҳар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.10 Янгиликлар. 15.20 А. С. Грибоедов. «Ақллилик балоси».

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.15 Бутунроссия конкурсининг лауреати В. Говцева чалади. 19.30 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. Ю. А. Сенкевич олиб боради. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 3-қисм. 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 «Оби шифо». Телевизион ҳужжатли фильм. Тожикистон санаторийларида меҳнаткашларнинг даволаниши ва дам олишларини ташкил этиш ҳақида (Душанба). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Игорь Владимирович Ильинский. Ҳаёт саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 Болалар учун фильм. «Димканинг жаҳли чиқди».

* * *

16.45 Физика. Электромагнит тўлқинлар. Ҳозирги замон радио алоқасининг принциплари. 17.15 «Сахий эртак». Мультфильм. 17.30 Биология. Турнинг структураси ва критерийси. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Квакша». Мультфильм. 18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Гўзаллик оламига саёҳат» (рус.). 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.50 Музикали танаффус. 19.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Диалог» (такрорий). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбекистон Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия —«Инқилоб куйчиси». 23.20 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ҳаёт чизиғи». Телефильм. 20.20 Реклама. 20.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Совет турмуш тарзи». 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Ташвишли тонг». Бадиий фильм. («Молдава-фильм, (рус.).

Жума

16 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Мен унинг келишини истайман». Бадиий фильм. 10.35 ДУНЁ ВА ЁШЛАР. 11.10 Янгиликлар.

* * *

16.10 Янгиликлар. 16.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.30 Экранлаштирилган адабий асарлар. «Серёжа». Бадиий фильм. В. Пановaнинг шу номли ҳикояси асосида («Мосфильм»). 17.45 «Ғолиблар». Шимоли-Ғарбий фронт ветеранларининг учрашуви. 19.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.20 ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. СОВЕТ ҚОЗОҒИСТОНИ. ҚОЗОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 «ДЕТЕКТИВ ЎЙИНИ». Телевизион спектакль премьераси. 23.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.30 Тунги информацион-музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Зулайҳо». Телевизион ҳужжатли фильм (Душанба). 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Қушлар кузда. 9.55 «Музейда... томчи». Илмий-оммабоп фильм («Белорусьфильм»). 10.05, 14.35 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Профессор Барскийнинг элаги». Илмий-оммабоп фильм (Свердловск). 11.05 СПТУ ўқувчиларига М. А. Шолохов. «Очилган қўриқ». 11.35 Тарих. 7-синф. Киев Руси. 12.05 «Онамларнинг мактаби». 12.35 «Бош узра шаҳар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.05 Янгиликлар. 15.15 И. С. Тургенев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.



* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «ҚОТИЛЛИК СОДИР БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 19.15 «ЛЕНИНГРАД КОНСЕРВАТОРИЯСИ». Фильм-концерт премьераси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 4-қисм. 20.45 Реклама. 20.50 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Нефтчи» — «Спартак». 2-тайм. Бокудан олиб кўрсатилади. 22.45 Янгиликлар

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Шаҳар, отам ва мен». Телефильм.

* * *

16.45 Зоология. Бўғимоёқлилар. 17.15 «Минглаб учқунлар». Телефильм. 17.30 Адабиёт. Ғ. Ғулом —моҳир прозаик. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун концерт (такрорий). 18.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қонун барчага баробар». 19.30 «АХБОРОТ» (рус.). 19.50 «Хотира» Телефильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 ИНТЕНСИВЛАШ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ. «Сўз ва ишлар». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 22.10 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия— «Инқилоб куйчиси». 23.20 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Шанба

17 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.30 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 10.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «ДИНОЗАВР СИНДРОМИ» («Экран»), «ТОҒ ҒОЗИ» (Красноярск). 10.45 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Болаларимиз қандай кийинган? 11.15 «М. Пятницкий ватанида ашула байрами». Воронеждан кўрсатилади. 12.00 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗА Л А Р. Кўрсатувни профессор С. П. Капица олиб боради. 13.00 Л. В. Бетховен. Виолончель ва фортепьяно учун 3-соната. 13.25 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 14.00 АСЛИНИ ОЛГАНДА. «Тажрибанинг тўпланиши». 2-кўрсатув. Капиталистик мамлакатлар фирмалари билан иқтисодий ҳамкорлик ҳақида. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 15.30 Константин Ваншенкин асарлари. 16.30 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Миллий қўшиқлар, рақслар ва цирк». (ХХР). 17.00 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Мукофот». Бадиий фильм («Ленфильм»). 18.40 Катталар учун мультфильмлар премьераси. 19.05 «ИНҚИЛОБ ВАКИЛ ҚИЛГАН». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси («Ўзбекфильм»). 1 ва 2-сериялар. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 МУЗИКАЛИ РИНГ. Билли Жоэл билан учрашув. Ленинграддан кўрсатилади. 23.30 ЯРИМ ТУНГАЧА ВА ЯРИМ ТУНДАН СЎНГ. 01.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «КОРЖУН ОРОЛИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота). 9.25 Ритмик гимнастика. 9.55 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 10.25 «Жаҳон бадиий маданияти». Н. А. Некрасов. 10.55 «Бош узра шаҳар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 12.35 Халқ куйлари. 12.50 «Оталар ва боболар». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 14.10 «Самоделкин — спортчи». Мультфильм (Грузия). 14.35 Телевизион театр таклиф этади. Ж. Сименон. «Мегрэ министр ҳузурида». 1 ва 2-сериялар. 16.50 «СОВЕТ ФАНИ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Хаёлпарастлар». («Центрнаучфильм»). 17.45 «Унутилмас музикали кечалар». В. А. Моцарт. Соль минор симфонияси. 18.15 «Игорь полки ҳақида



сўз» йўлларидан». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск). 18.45 ЗДОРОВЬЕ. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган врач Ю. В. Белянчикова олиб боради. 19.30 «СТУДЕНТ АРМИЯГА КЕТЯПТИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 20.00 Футбол. СССР чемпионати. «Қайрат» — «Днепр». 2-тайм. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 5-қисм. 21.00 Реклама. 21.05 «Анне Вески». Фильм-концерт (Таллин). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «ШИМОЛ ТУМОРИ». Ҳужжатли фильм премьераси (Узоқ Шарқ кинохроника студияси). 22.30 Футбол. СССР чемпионати. «Жальгирис»— — МАСК. 2-тайм. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 23.15 «СИНОВЧИЛАР». Телевизион бадиий фильм премьераси («Укртелефильм»). 00.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Юқори Донда». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 9.00 Врач маслаҳати. 9.10 «Музикали палитра» (такрорий). 9.40 Ёш олимлар телеклуби. «Одамлар ва дорилар». 10.20 В. И. Лениннинг назарий мероси. «Ленин қайта қуриш ҳақида». 10.50 «Спортивний Узбекистан» (рус.). 11.20 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИ ВА ҚКАССР ТЕАТРЛАРИНИНГ ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. О. Бадиков. «Қорақумдаги фожиа». Й. Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.30 «Ўйин ҳаракати қоидаларини ўрганамиз».

* * *

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Кичик боланинг катта ташвиши». Бадиий фильм. 19.00 Политехник таълим бўйича II халқаро семинар (рус.). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Тугалланмаган портрет». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»). 20.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Октябрь тенгдошлари». СССР халқ рассоми Ў. Тансиқбоев. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Мусиқа жавони». Тележурнал. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.25 ЎЗБЕКИСТОН КУЙЛАГАЙ. УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-КОНКУРСИ ЛАУРЕАТЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Якшанба

18 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.30 Ритмик гимнастика. 10.15 «Спортлото» тиражи. 10.30 БУДИЛЬНИК. 11.00 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 12.00 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 12.30 Киноафиша. 13.15 МУЗИКАЛИ КИОСК. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Беляева олиб боради. 14.00 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 15.00 ЗДОРОВЬЕ. 15.45 «ЎРТОҚ ҚЎШИҚ». Фрунзе шаҳридан кўрсатилади. 16.15 БИЗНИНГ УЙ. Тележурнал. 17.00 Шеърият лаҳзалари. 17.10 Давлат Марказий концерт залида Белоруссия ССР санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. 19.00 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 19.45 «Сойкалар тўйи». Мультфильм премьераси (Грузия). 20.05 «ИНҚИЛОБ ВАКИЛ ҚИЛГАН». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси, 3-серия. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Янгра, гармонь!». Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Заволокин олиб боради. 23.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.20 Духовой оркестр чалади. Ереванда кўрсатилади. 9.40 ВОЛГОГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 10.40 «Шаҳар тенгдошлари». Ҳужжатли фильм. Асли ленинградлик Корелинлар сулоласи ҳақида («Леннаучфильм»). 11.00 Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. Венеция музейларининг Уйғониш даврига хос итальян живописи дурдоналари. 11.30 «Оризонт» ансамбли ижро этади. 11.40 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 12.20 Рус тили. 12.50 ДУНЁ ВА ЁШЛАР. 13.25 «Тундан узоқ кун». Бадиий фильм («Грузияфильм»). 1 ва 2-сериялар. 15.40 «СОВЕТ ФАНИ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм — «Ташаббускорлар» («ЦНФ»). 16.40 Мамлакат миллий театрлари фестивали. «Вундербеби». Эстония ССР Давлат қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли. 17.55 Мультфильмлар: «Бувимнинг соябони», «Қайчилар ва болакай». 18.10 В. Маяковский. Артист Л. Филатов ўқийди. 18.55 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». Д. Б. Ка-



балевский. С. Маршак таржима қилган В. Шекспирнинг ўнта сонети. 19.30 «Жонли табиат». Қирғизистон табиати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 6-қисм. 20.45 «Камалак» Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Миллий қўшиқлар, рақслар ва цирк». (ХХР). 21.15 Илмий-оммабоп фильм. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Инсон омили». Бадиий фильм. («Қозоқфильм»). 23.30 «Ўрмон сукунатининг даъвати». Телевизион ҳужжатли фильм (Вильнюс). 23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Обь денгизи». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». Шоир М. Юсуф ижоди ҳақида. 8.10 «Шоҳ синдроми». Ҳужжатли фильм. 9.00 «Биргаликда куйлаймиз». Ш. Ерматов, Б. Исроилов. «Октябрь байроғи» (такрорий). 9.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Ўзбек киносининг барҳаёт анъаналари». Кинокўрсатув (рус.). 11.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 12.15 ЎзТВ фондидан. Ойбек. «Қутлуғ қон». Видеофильм. 3-қисм. 13.25 «Советский Союз» журнали — меҳмонимиз (рус.). 13.55 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ II БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ. Бахшилар, шоирлар ва халқ созандаларининг телевизион конкурси. А. Поёнов, А. Юсупов. 14.55 Реклама.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 Онлар мактаби. 19.30 АХБОРОТ (рус). 19.50 АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ — ПАХТАКОРЛАРГА. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 23.05 «Программа тугагунга қадар...». Информацион-дам олиш кўрсатуви (рус.).

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Биз 1988 йилда ҳам «Телевидение программалари»ни шу ҳолда, батафсил бериб бориш ниятидамиз. Программаларнинг берилишига доир ўз фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 13046

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2484. Тираж— 75.131. Индекс 64690